

“КЕЛИШИЛДИ”

Хоразм вилояти қурилиш бош
бошқармаси бошлиғи


Б.Каримов


«» 2022 йил



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари


Б.Курбанов

«» 2022 йил




“КЕЛИШИЛДИ”

Хоразм вилояти ҳокимлигининг

“ЯБХ” ИЖ директори


Ш.Отаев

«» 2022 йил



ЛОЙИХАЛАШ ТОПШИРИҒИ

Хоразм вилояти Янгибозар тумани Янгиёп, Дўстлик, Наврўз МФЙлардаги Урганч-Гурлан йўл бўйи, Қурувчи ва Бахт кўчалари 4,8 км узунликда Пиёда ва велосипед йўлакларини қуриш ҳамда тунги ёритиш ускуналарини ўрнатиш

Урганч – 2022 йил

№	Асосий маълумотлар ва талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар мазмуни
1	2	3
1	Лойиҳалаш учун асос	<p>1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори;</p> <p>2. Янгибозар тумани ҳокимининг 2022 йил 16 октябрдаги 110-12-178-Q/21-сонли қарори</p> <p>3. Хоразм вилояти қурилиш бош бошқармасининг 2021 йил 18 октябрдаги 374-21/A-сонли АРТ-I-II ҳужжатлари</p>
2	Лойиҳа ташкилоти –Бош лойиҳачи	Тендер асосида белгиланади
3	Лойиҳалаш кетма-кетлиги.	Бир босқичли ишчи лойиҳа
4	Турар жойлар, жамоатчилик бинолари, ободонлаштириш, муҳандислик тармоқлари	Хоразм вилояти Янгибозар тумани Янгиёп, Дўстлик, Наврўз МФЙлардаги Урганч-Гурлан йўл бўйи, Қурувчи ва Бахт кўчалари 4,8 км узунликда пиёдалар йўлакчасини қуриш ҳамда тунги ёритиш ускуналарини ўрнатиш
5	Пудрат ташкилоти аниқлаш	Тендер асосида белгиланади
6	Таклиф қилинадиган бино иншоатлар, инфратузилма объектлари, муҳандислик тармоқлари ва уларнинг қурилишига қўйиладиган талаблар.	<p>1) Янгибозар тумани Янгиёп, Дўстлик, Наврўз МФЙлардаги Урганч-Гурлан йўл бўйи, Қурувчи ва Бахт кўчалари 4,8 км пиёда ва велосипед йўлакчаларини бетонлаштириш ва ташқи кўча чироқларини қуёш батареяси ўрнатиш бўйича лойиҳалашда қуйидагилар кўзда тутилсин: (ШНК 2.07.01-03), (ҚМҚ 2.04.18-97)</p> <p>1.1) Тунги ёритиш чироқлари – қуёш батареяси ёрдамида ўрнатиш бўйича лойиҳалашда:</p> <p>Қуватти -50w гача ва ундан юқори;</p> <p>Таян темир устунлар пиёдалар йўлакчасида ер сатҳидан баландлиги Н-7м; оралиғи - 25-40 м;</p> <p>Устунлар учун ишлатиладиган материаллар темир қувур Д-114мм, Д-102мм ва Д-89мм.</p> <p>Йўлакларни бошланиши, оралиғи ва якунини кўрсатувчи йул белгилари билан тўлиқ таъминланиши.</p> <p>1.2) Пиёда ва велосипед йўлакларини бетонлаштириш бўйича лойиҳалашда:</p> <p>Пиёда ва велосипед йўлакчалар эни - туман марказида мавжуд бўлган шароитдан келиб чикиб (пиёда йўлакчаси 1,5м, велосипед йўлакчаси 1,2м, тўшамасининг пастки қатлам қалинлиги - Н-12см, қўйма бетон қоришмасидан В15 (М-250) Н-12 см;</p> <p>Велосипед йўлакчалари ранги келишилган холда танлансин.</p> <p>Пиёда ва велосипед йўлакчаси қурилишида тупроқ пойини кенгайтириш ёки мавжуд ҳолатда қуриш кўзда тутилганда меъёрий ҳужжатларга асосан зичлаш ишлари кўзда тутилсин.</p>

		<p>Тош-қум аралашмасидан Н-12см (щебеночно-песчанная смесь) асос, бетон қоплама қуришдан олдин 30мм қум ва гидрохимояловчи восита ПГ-t-0,2мм. ёткизилиш лойиҳада кўзда тутилсин; 1.2)</p> <p>Пиёда йўлаклари болалар ва ногиронлар аравачаларининг ҳаракатини ШНҚ 2.07.02.07 - “Инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти муҳитини ногиронлар эҳтиёжлари ва аҳолининг кам ҳаракатланувчи гуруҳларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш” талабларига мувофиқ таъминлаши зарур.</p> <p>Тўхтовсиз ҳаракат магистралларининг марказий қатнов қисмларидан пиёда ўтишларни одатда турли сатҳларда барпо этиш лозим.</p> <p>Пиёдалар йўлаки четидан энг кам ҳавфсизлик масофаси, м:</p> <p>йўл қатнов қисмигача, транспорт иншоотлари таянчлари, дарахтларгача - 0,75 м;</p> <p>автомобиллар тўхташ жойлари ва оммавий транспорт бекатларигача - 1,50 м бўлиши керак.</p> <p>Норматив талабларга жавоб берадиган маҳаллий материаллардан фойдаланилсин;</p> <p>Лойиҳада трасса боши ва охири пикетларда кўрсатилиб лойиҳалансин;</p> <p>Ишчи лойиҳада 25м узунликда кўндаланг кесим кўрсатилган ҳолда лойиҳалансин;</p> <p>Бўйлама кесимда реперлар кўрсатилиши шарт.</p> <p>Пиёда йўлакларига санитария норма талаблари асосида урналар ўрнатиш таъминлансин.</p> <p>Кўчаларни ободонлаштириш буйича кўкаламзорлаштириш (дарахт ва гул экиш) пиёдалар ва велосипед йўлакларини лойиҳалашда намунавий лойиҳалар асосида воркаут ва стритбол каби объектлар қурилиши назарди тутилсин.</p>
7	Объектни моддий таъминоти	Пудрат усули
8	Объектни молиявий манбаи	Республика бюджет
9	Мухандислик изланишлари зарурлиги.	Топогеодезик ва мухандислик-геологик изланишлар лойиҳа таркибида бажарилади.
10	Ишларнинг бошланиш ва яқунланиш муддати.	2022 йилда бошланади. 2022 йилда тугалланади.
11	Лойиҳа ечимларини келишиш.	Объектнинг лойиҳалари туман ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари, қурилиш бўлими, Ўзбекистон ногиронлар жамияти Хоразм вилоят бўлими, СЭОМ, ФВБ, ХАЙФХБ, туман ободонлаштириш бошқармаси, Йуллардан фойдаланиш корхонаси газ таъминоти, электр таъминоти, ичимлик сув таъминоти, тегишли МФЙ раислари.


12	Лойиха – смета ҳужжатлари талаби	Лойиха-смета ҳужжатларида йўл қўйилган хато-камчиликлар лойихачи томонидан бартараф қилинади. Лойиха билан смета ҳужжатлари ўртасидаги тафовутлар, иш ҳажмларида тўғри келмаслик ҳолатлари учраса лойихачи томонидан кафолатланади
13	Атроф мухитни муҳофаза қилиш бўйича талаблар.	Лойихада акс этади
14	Фуқоро муҳофазаси ва ФВВ талаблари бўйича муҳандис-техник ишланмалар.	Берилган техник шартлар ва ҚМҚ асосида.
15	Ишлар қийматини аниқлаш.	Ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2021 йил III-чорак каталоги бўйича тайёрланган, комиссия томонидан тасдиқланган ўртача нархларга асосан жорий нархларда амалга оширилсин.
16	Бошқа талаблар	Тайёрланган барча лойихалар буюртмачига электрон шаклда, смета 1-нуска қоғоз шаклда, лойихалар 4 нуска қоғоз шаклда топширилади.

“Буюртмачи”
“ЯБХИК” бош муҳандиси:



Б.Сапаев

“Буюртмачи”
“ЯБХИК” лойиха бўлими бошлиғи



И.Тоиров

Тайёрлади:

М.Ходжаев